

**Исхакова Сарвар Аюбовна,**  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институтининг тармоқлар иқтисодиёти  
кафедрасининг доцент вазифасини бажарувчи

# ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

УДК: 338.46

---

## **ИСХАКОВА С.А. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Мақолада хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган, хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолияти шаклланишига таъсир қилувчи омиллар таснифи таклиф этилган.

Таянч иборалар: тадбиркорлик, тадбиркор, тадбиркорлик фаолияти, хизматлар, хизмат кўрсатиш соҳаси, сервис.

---

## **ИСХАКОВА С.А. ОСОБЕННОСТИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В СФЕРЕ УСЛУГ**

В статье проанализированы особенности предпринимательской деятельности в сфере услуг, предлагается классификация факторов, оказывающих влияние на формирование предпринимательской деятельности в сфере услуг.

Ключевые слова: предпринимательство, предприниматель, предпринимательская деятельность, услуги, сфера услуг, сервис.

---

## **ISKHAKOVA S.A. FEATURES OF BUSINESS ACTIVITY IN THE SERVICE SECTOR**

The article analyzes the features of business activity in the service sector, offers a classification of factors that influence to the formation of business activity in the service sector.

Key words: entrepreneurship, entrepreneur, business activity, services, service sector, service.

**Кириш.**

Замонавий цивилизация ривожланишининг ҳозирги босқичдаги муҳим хусусиятларидан бири хизмат кўрсатиш соҳасининг динамик равишда ривожланиши дунёнинг кўпчилик мамлакатлари миллий иқтисодиёти учун характерли бўлган умумжаҳон тенденциясига айланганлиги ҳисобланади. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, ҳозирги кунда «...ривожланган мамлакатларда соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 74 фоизни, аҳоли умумий бандлигида 70-75 фоизни ва жами корхоналар сонига 90-95 фоизни ташкил этади»<sup>1</sup>.

Макроиқтисодий кўрсаткичлар таҳлили Ўзбекистон Республикасида ҳам худди шундай тенденциялар кузатилаётганлигини аниқлашга имкон берди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳаси жадал суръатлар билан ривожланди. Республикада хизматлар соҳасини тез суръатлар билан ривожлантириш 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади<sup>2</sup>. Хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг махсус Давлат дастури “2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш Давлат дастури” қабул қилинган ва муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ўтказилган тизимли ислохотларнинг самараси ўлароқ, мамлакатимиз ЯИМИ таркибида «1990-2019 йиллар мобайнида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 33,8 фоиздан 37,8 фоизгача кўпайганлиги, шунингдек иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг умумий сонига хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли улушининг 35,6 фоиздан 50,5 фоизгача ошганлиги»<sup>3</sup> диққатга сазовор. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасининг «... **аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одам-**

**лар ва оилаларнинг даромадини ошириш»**<sup>4</sup> каби ўта долзарб вазифаларни ҳал қилишда роли беқиёс.

Шу билан бирга ўтказилган таҳлиллар натижаларига кўра, хизмат кўрсатиш соҳасини тадбиркорлик, айниқса кичик ва хусусий тадбиркорлик салоҳияти ҳамда захираларидан самарали фойдаланган ҳолда кенг ривожлантириш имкониятларининг мавжудлигини кўрсатди. Республикада хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорликни янада ривожлантириш эса соҳада унинг ўзига хос хусусиятлари масалаларини тадқиқ қилишни тақозо этади.

Мазкур мақола доирасида хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорликни, айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари масалалари кўриб чиқилган.

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.**

Хизмат кўрсатиш соҳасидаги улкан салоҳият уни барқарор иқтисодий ўсишнинг ишончли манбаига айлантиришга ва иқтисодий ўсишнинг ташқи иқтисодий конъюнктурага боғлиқлигини пасайтиришга қодирдир.

Ушбу соҳани иқтисодиётнинг етакчи секторига айлантириш истиқболлари кўп жиҳатдан ушбу соҳада тадбиркорлик фаолиятини, айниқса кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш билан узвий боғлиқдир. Чунки хизматлар, асосан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилади. Республикада кичик тадбиркорликни ривожланиши ижтимоий иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишлардан бири эканлиги ва шу сабабли юқори суръатларда ривожланиши хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. У соҳада рақобатнинг кучайишига, хизматлар турининг кенгайиши ва сифатининг яхшиланишига ёрдам беради.

Шу сабабли, хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва унга таъсир этувчи омиллар муаммоларини ўрганиш жуда долзарбдир.

**Илмий муаммонинг қўйилиши.**

Иқтисодиёт назариясида «тадбиркорлик» тушунчаси XVIII асда товар-пул муносабатларининг хусусиятларини, бозор муносабатларининг шаклланиш шарт-шароитларини, бу жараёнларда давлатнинг ролини ўрганиш класси-

<sup>1</sup> Жаҳон банки маълумотлари. Расмий сайти: <http://data.worldbank.org/indicator>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947- сон Фармони. - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 6-сон, 70-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Статистик тўплам.—Т.: Ўзбекистон, 2011. — 49 б., 97 б.; Ўзбекистон республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий сайти. Кириш йўли: [www.stat.uz](http://www.stat.uz).

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. - . <https://uz.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasi-28-12-2018>

қларнинг диққат марказида бўлган. Тадбиркорлик муаммолари, самарали бизнесни ташкил этиш йўллари ҳозирги замон иқтисодий адабиётларида ҳам кенг муҳокама қилинади. Бизнеснинг ёш иқтисодиётимизда тадбиркорлик фаолиятининг шаклланиш ва ривожланишининг хусусиятлари борасидаги илмий ишланмалар ички адабиётларда ҳам мавжуд. Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида тадбиркорлик фаолиятига ва бу жараённинг қонуниятларига янгича қарашни шакллантириш ва ривожлантиришга ёндашувларни муайян даражада мослаштиришни талаб этади. Бизнеснинг фикримизча, иқтисодиётнинг етакчи секторига айланиб бораётган хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш лозим.

#### **Тадқиқот мақсади.**

Ушбу тадқиқотнинг мақсади тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини ўрганиш ва илмий асослаш ва хизмат кўрсатиш соҳасида намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи сабабларни аниқлаш, хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг ривожланишига таъсир қилувчи омилларни аниқлашдир.

#### **Илмий моҳияти.**

Тадқиқот натижасининг илмий аҳамияти унда хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ривожланишига таъсир кўрсатадиган омилларни гуруҳлаш бўйича ишлаб чиқилган илмий тавсияларидан фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади ва аҳолининг хизмат кўрсатиш соҳасида ишбилармонлик фаоллигини оширишга ёрдам беради.

#### **Тадқиқот методлари.**

Тадқиқот жараёнида мантиқий таҳлил, статистик маълумотларни қиёсий баҳолаш, абстракция, омилли таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

#### **Асосий натижалар.**

Ҳозирги даврда хизматлар соҳасининг юқори суръатлар билан ривожланиши тадбиркорлар ҳамжамиятининг ушбу соҳага қизиқишининг қонуний ўсиб боришига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам хизматлар соҳаси тадбиркорлик салоҳиятини қўллашнинг устувор объектига айланмоқда, бу янги иқтисодий субъект – сервис тадбиркорлигининг пайдо бўлиши ҳақида гапиришга имкон беради. Сервис соҳаси тадбиркори, ижодий қобилиятларга, ўзига хос

тафаккурга ва юқори маҳоратга амал қилган ва харидорларнинг конкрет мақсадли гуруҳига мўлжал олган ҳолда, ноёб хизматлар кўрсатишга қодирдир. Малакали ёндашувда таклиф этилувчи хизматларнинг турлича кўринишлари жамиятнинг ўсиб боровчи эҳтиёжларини қондириш мақсадида жамият ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланишни англатади. Умуман олганда, хизматлар соҳаси корхоналарининг самарали ишлаши турмуш сифатининг ошишига, мулкчиликнинг турли шакллари пайдо бўлишига, ўрта синфнинг шаклланишига ёрдам беради.

Хизматлар соҳаси бозор омиллари ва вазиятларининг турличалиги ва динамикасини ҳисобга олувчи ижтимоий, иқтисодий, техникавий, маркетинг, ахборот, юридик ва бошқа характердаги хизмат турларининг жамланмаси сифатида талқин этилади.

Сервис индустриясидаги тадбиркорлик фаолияти турли шаклларида бўлиши мумкин. Улар, кўп ҳолларда, қуйидагилардан иборат бўлади: бозор инфраструктурасининг ўзгаришларига мос келади-ган янги форматдаги корхоналар яратиш, янги бизнес-моделлар, хизматлар ёки маҳсулотларни яратиш, харидорларга хизмат кўрсатишнинг ўзига хос шакллари таклиф этиш, меҳнат бозори ривожланишининг стратегиясини аниқлаш, янги маркетинг технологияларини яратиш ва бошқалар.

Хизматлар соҳаси турли тармоқлар ва йўналишларни қамраб олиб, уларнинг сони хизматларнинг янги турлари пайдо бўлганлиги сабабли жадаллик билан ўсиб бормоқда. Шунингдек, барча ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги тадбиркорлик субъектларининг сони кўпаймоқда: индивидуал ва хусусий корхоналар, масъулияти чекланган жамиятлар, шу жумладан, очиқ ва ёпиқ турдаги акционерлик жамиятлари, нотижорат ташкилотлари, давлат ташкилотлари, таълим ва маданият муассасалари<sup>1</sup>.

Ҳозирги даврда хизмат кўрсатиш соҳасида юз бераётган ўзгаришлардан бири - соҳада кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сон жиҳатидан кўпайиши ва фаолият турлари жиҳатидан кенгайиши ҳисобланади. Бунинг сабаби, бир томондан, хизмат кўрсатиш соҳаси объектив ва субъектив омиллар таъсиридан келиб чиққан ҳолда, кичик ва хусусий бизнес фаолияти учун жуда жозибадор бўлиб ҳисобланади. Иккинчи томондан, республикамизда кичик ва хусусий тадбиркор-

<sup>1</sup> Выборнова, В. В. Предпринимательство как социальное явление и форма экономического поведения. — М.: Финансовая академия при Правительстве РФ, 2000.

**2005-2019 йилларда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий тармоқларидаги улуши (умумий ҳажмига нисбатан %да)<sup>1</sup>**

Кўрсаткичлар	Йиллар:					2019 йил 2005 йилга нисбатан (+;-)
	2005	2010	2015	2017	2019	
ЯИМ	38,2	52,5	62,9	63,4	56,5	+25,5
Саноат	10,0	26,6	40,6	41,2	34,9	+12,9
Қурилиш	50,9	52,5	66,7	64,8	75,8	+37,4
Хизмат кўрсатиш	52,5	56,1	50,5	60,5	52,1	
Бандлик	64,8	74,3	77,9	78,0	76,2	+26,5
Экспорт	6,0	13,7	27,0	22,0	28,7	+16,8
Импорт	33,7	35,8	44,5	53,6	61,6	+38,8

ликни ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири эканлиги ва шу сабабли юқори суръатларда ривожланиши ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик ва хусусий тадбиркорликнинг тез суръатлар билан ривожланиши соҳада рақобатнинг кучайишига, хизматлар турларининг кўпайиши ва сифатининг яхшиланишига ва энг муҳими - хизматлар нархининг пасайишига ва уларга талабнинг ошишига ҳамда кенг халқ оммасининг хизматлардан фойдаланиш имкониятлари ошишига ва ниҳоят, хизмат кўрсатиш соҳаси фаолияти самарадорлигининг ошишига ёрдам беради. Кичик корхоналар бозордаги талаб ўзгаришларига тез мослаша олади, хизмат турларини тез ўзгартириш, ресурслардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни қисқа муддатда ва катта йўқотишларсиз ўзгартириш имконига эга бўлади.

Кичик тадбиркорликнинг ушбу афзалликларидан фойдаланган хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари моддий ишлаб чиқариш корхоналарига нисбатан кўпроқ рақобатбардош ҳисобланадилар. Кичик тадбиркорликнинг ривожланганлиги хизмат кўрсатиш соҳаси юқори даромадлигининг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, Ўзбекистон Республикасида 2019 йилда хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида 121 мингдан ортиқ кичик корхоналар ва микрофирмалар мавжуд. Улар барча кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг 44,1 фоизга яқинини ташкил этади<sup>2</sup>. Ушбу ҳолат республикамизда кичик иқтисодий сектори амалда яратилган ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томони-

дан хизматлар ишлаб чиқаришнинг кенгайиши хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминламоқда, деб хулоса чиқаришга имкон беради. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш доирасида, тадбиркорлик субъектларига, хизматлар кўрсатиш бўйича янги ташкил этиладиган корхоналарни технологик жиҳозлаш учун катта миқдордаги имтиёзли кредитлар тақдим этилиши натижасида, кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 2005 йилдаги 38,2 фоиздан 2019 йилда 56,5 фоизга кўпайди. Бозор хизматлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши 2019 йилда 52,1 фоизни ташкил этди<sup>3</sup>.

Кичик бизнес субъектлари томонидан Ўзбекистонда 2019 йилда 99139,3 млрд. сўмлик хизматлар ишлаб чиқарилган бўлиб, энг юқори хизмат ҳажми савдо хизматларида - 42478,0 млрд. сўми, транспорт хизматларида - 25620,1 млрд. сўми, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматларда - 4831,7 млрд. сўми, яшаш ва овқатланиш хизматларида - 4621,6 млрд. сўми, бошқа шахсий хизматларда - 4420,9 млрд. сўми, ижара хизматларида 3575,3 млрд. сўми ташкил этган. Шунингдек, 2019 йилда савдо хизматларининг 89,1 фоизи, транспорт хизматларининг - 47,8 фоизи, соғлиқни сақлаш хизматларининг - 42,6 фоизи, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматларнинг - 82,4 фоизи вва таълим хизматларининг - 23,6 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан кўрсатилган<sup>4</sup>.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, хизматлар соҳасидаги тадбиркорлик нафақат хизмат кўрсатиш жараёнини ўзинигина, балки истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган барча фаолиятларда рақобатбардошликни оширишга хизмат қилади. Шунинг учун сервис тадбиркорлигининг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти. Кириш йўли: [www.stat.uz](http://www.stat.uz).

<sup>2</sup> Ўзбекистон рақамларда 2017-2018. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик тўплами. - Т.: 2019. - 119 б.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти. Кириш йўли: [www.stat.uz](http://www.stat.uz).

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти. Кириш йўли: [www.stat.uz](http://www.stat.uz).

диққати умуман хизматлар индустриясини, маълум бир истеъмол соҳалари ичидаги инновацияларни излашга ҳам йўналтирилган бўлиши лозим.

Хизмат кўрсатиш соҳаси учун тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари ғоятда ўзига хосдир, улар ижтимоий–хайрия, маданий–таълим ва бошқа ижтимоий фойдали эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган нотижорат фаолиятларини ҳам олиб бориш билан шуғулланадилар.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда кичик тадбиркорликнинг ривожланиши хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал ривожланиши, унинг даромадлиги кўпайишининг энг муҳим шартларидан бирига айланган. Бироқ Ўзбекистон Республикасида кичик бизнеснинг ривожланишида бир қатор муаммолар бўлиб, улар ҳам ички, ҳам ташқи омиллар таъсири остида юзага келган. Кичик тадбиркорликни фаоллаштиришнинг йўналишлари илмий асосланиши ва ижтимоий шароитларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу соҳадан олинadиган аҳоли даромадларини кўпайтириш мақсадида, унинг афзалликларидан оқилона фойдаланиш ўз вақтидаги вазифалардан ҳисобланади ва уни жадаллаштиришга янги, янада қудратли туртки бериши мумкин.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг муҳимлигини англаш билан биргаликда, ҳалигача ҳам унинг ривожланишида бир қатор ўта салбий тенденциялар кузатилади, улар қуйидагилардир: тақдим этилувчи хизматларнинг сифати пастлиги ва тор доирадалиги, тармоқ ичида номувофиқликлар борлиги, хизматлар соҳасининг, биринчи навбатда, юқори даромадли мижозларга йўналтирилганлиги, кўрсатилadиган хизматлар ҳажми ва аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжлари ўртасидаги номувофиқлик, бозор инструментлари ва механизмларидан етарлича фойдаланмаслик, хизматлар ишлаб чиқарилиши ва истеъмоли даражасида минтақалараро диспропорция мавжудлиги ва бошқалар.

Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодийнинг таркибий қисми сифатида иқтисодий муносабатларнинг умумий тизимига киради ва умумий иқтисодий қонунларга бўйсунadi. Лекин шу билан биргаликда, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларининг амал қилиши, уларда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, унинг пировард натижаларини истеъмолчиларга етказиб бериш ва бошқа жиҳатларида ўзига хос хусусиятларга эга. Бизнингча, ушбу хусусиятлар соҳада тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ўзининг яққол аксини топади.

Хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорликнинг хусусиятлари шундан иборатки, бунда истеъмолчи асосий роль ўйнайди, сервис тадбиркорининг барча хизматлар ишлаб чиқариши истеъмолчига йўналтирилади, чунки сервис корхоналари ишининг самарадорлиги (товар ишлаб чиқаришдан фарқли ҳолда), аввало, ташқи самарадорлик мезонлари – конкрет истеъмолчини тегишли жойда, тегишли вақтда ва зарурий ҳажмда ва хизматлар тўпламида, зарур сифат даражасида қондириш талаблари билан белгиланади.

Шундай қилиб, хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорликнинг қуйидаги хусусиятларини ажратиш мумкин, деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, хизмат кўрсатиш соҳаси, моддий ишлаб чиқариш соҳаси билан таққосланганда, хом ашё ва асосий материалларга унчалик боғлиқ эмас. Шу билан бир вақтда унинг катта ишлаб чиқариш фондлари (уй–жой ва коммунал хўжалик, туризм ва санатория–курорт даволаниши) кенг миқёсда табиат ресурсларидан фойдаланишга мўлжалланган.

Иккинчидан, хизматлар турларининг хилма-хиллиги ва уларга илмий–техника тараққиёти турлича таъсир этиши билан характерланувчи турличалик кузатилади (сартарош, официант, массажистнинг хизматларига техника тараққиёти унчалик эътиборли таъсир этмайди ва юз йиллар давомида ўзгармасдан қолмоқда).

Учинчидан, хизматлар характери кўпинча ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчининг шахсий алоқасига асосланади, яъни хизмат кўрсатиш жараёнида инсон бевосита инсонга таъсир кўрсатади<sup>1</sup>. Бу бевосита меҳнат ресурсларининг юқори сифатли бўлишининг муҳимлиги ва зарурлигини белгилайди. Хизматлар кўрсатувчи кўпчилик тармоқларда ходимларнинг юқори маълумоти ва касбий, малакавий даражаси, меҳнатининг ижодий, интеллектуал мазмуни билан белгиланади. Ушбу хусусият таннархнинг ҳисобланишини белгилайди, чунки, хизматларнинг ишлаб чиқарилиши ва кўрсатилиши бир вақтнинг ўзида амалга оширилади.

Масалан, сартарош ўз хизматини шу вақтнинг ўзида бажармасдан туриб мижознинг сочини оломайди. Шу муносабат билан хизматлар (масалан, сартарошлик) кўрсатувчи айрим корхоналарда меҳнат унумдорлигининг оширилиши қўшимча

<sup>1</sup> Мухаммедов М.М. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. – Самарқанд: “Zarafshon”, 2017. – Б. 43.

ходимларни жалб этишни англатади, бу эса ўз навбатида, доимий харажатларни оширади. Шу билан бирга, компания бизнес жараёнини кўпроқ самарали жиҳозларга маблағ киритиш ҳисобидан оптималлаштириши мумкин.

Тўртинчидан, хизматларнинг буюртмачилари бўлгани ҳолда, кўпинча истеъмолчиларнинг ўзлари ресурс базасини ташкил этадилар, чунки, хизматлар ишлаб чиқариш жараёнининг бевосита иштирокчилари сифатида чиқадилар. Масалан, тиббий хизматларни олишда истеъмолчи керакли ахборотни тақдим этиши, муаммони шакллантириши лозим, бир қатор ҳолатларда мутахассислар билан ечимларнинг эҳтимолий вариантларини муҳокама қилади, ва ниҳоят, бевосита қўллаш ва натижа олинишини таъминлайди.

Бундан ташқари, хизматлар таклифига таъсир кўрсатиш ва ўзгарувчан талабга мослашиш мақсадида, сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш учун, сервис хизматининг ресурс салоҳиятини бошқариш, сервис корхонасининг қўшимча сифатида истеъмолчиларнинг ролини ҳам назарда тутуди (ўз-ўзига хизмат кўрсатишни киритиш).

Бешинчидан, хизмат кўрсатиш соҳасида ресурс функциясининг муҳим хусусияти тадбиркорлик капитали айланишининг юқори тезлиги ҳисобланади<sup>1</sup>.

Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг йўналишларини аниқлаш мақсадида, ҳозирги босқичда унинг сифатига таъсир кўрсатувчи омиллар гуруҳини аниқлаш ва таснифлаш жуда муҳимдир. Хизматлар сифатига таъсир кўрсатувчи омилларга ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик, ахборот–техник ва бошқалар киради. Бу омиллар иқтисодий муҳитни ўзгартиришни тақозо этади ва корхона, тармоқ ҳамда умуман иқтисодиёт учун тадбиркорлик ташаббусларининг йўналишлари ва имкониятларини аниқлайди. Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодий тизимнинг бир қисми сифатида тегишли қонунларнинг таъсирига таянади. Шу сабабли унинг ривожланиши ва кенгайишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади:

1. Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишига илмий–техника тараққиёти ва жамиятни ахборотлаштириш билан боғлиқ техник ва ахборот омиллари.

2. Иқтисодий омиллар: истеъмол хизматлари ва сервис хизмати кўрсатишнинг янги турларининг пайдо бўлиши; у ёки бу хизмат турлари тўғрисида

истеъмолчилар фикрининг ўзгаришлари; турлича дам олиш фаолиятларига эҳтиёжнинг кучайиши; хизматлар бозорининг давом этаётган сегментлашуви.

3. Ижтимоий омиллар: демографик вазиятнинг мураккаблашуви, аҳолининг қариш жараёнлари тезлашуви, оила ва никоҳ “институти” қадриятларининг йўқолиб бориши ва бошқалар.

4. Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишига давлатнинг таъсир кўрсатиш даражасини аниқловчи қонунчилик омиллари.

5. Инфраструктура омиллари: банк соҳаси, суғурта, консалтинг, маркетинг, юридик ахборот, реклама, молия ва бошқа хизматлар кўрсатувчи бозор иштирокчиларининг касбий фаолияти ва бошқа хизматлар.

6. Экологик омиллар: ресурслар айрим турларининг чекланганлиги, ресурслардан “авайлаб” фойдаланиш, инсон соғлигини атроф муҳит билан биргаликда тиклаш кабилар билан боғлиқ янги турдаги хизматларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик ривожланишининг хусусиятлари бўйича ўтказилган таҳлил хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг кичик ва ўрта шаклларини ривожлантириш заруриятининг миллий иқтисодиётимиз учун аҳамиятли бўлган йўналишларини ажратишга имкон беради.

Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг кичик ва хусусий шаклларини ривожлантириш иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан фарқли равишда камроқ меҳнат ва дастлабки босқичларда нисбатан кам капитал қуйилмалар талаб қилишлиги билан изоҳланади. Унга хўжалик юритишнинг ўзгарувчан шароитларига тез мослашуви, бошқарув тизимининг энгиллиги, бозор конъюнктурасидаги ўзгаришларга жавоб сифатида фаолият турини ўзгартиришга сезгирлиги, айрим бозорда у ёки бу хизматга талабнинг даражаси тўғрисида яхши хабардорлик ва бошқалар хосдир.

Шу билан бирга давлат томонидан хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг кичик ва ўрта шаклларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши тизимига алоҳида эътибор қаратилиши зарур.

<sup>1</sup> Лапуста М. Г. Предпринимательство: учебное пособие. — М.: ИНФРА-М, 2003.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 6-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-325-сон Қарори. - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 16-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-1987-сонли Фармони. - <https://lex.uz/docs/276275>
4. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Статистик тўплам. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
5. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий сайти. Кириш йўли: [www.stat.uz](http://www.stat.uz).
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. - [uza.uz](http://uza.uz).
7. Ўзбекистон рақамларда 2017-2018. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик тўплами. - Т.: 2019.
8. Boltabaev M.R., Qosimova M.S. Kichik biznes va tadbirkorlik. – Т.: NOSHIR, 2011.
9. Выборнова, В. В. Предпринимательство как социальное явление и форма экономического поведения. — М.: Финансовая академия при Правительстве РФ, 2000.
10. Лапуста, М. Г. Предпринимательство: учебное пособие. — М.: ИНФРА-М, 2003.
11. Мухаммедов М.М. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари.–Самарқанд: Zarafshon, 2017. -Б. 43.
12. Самадов А.Н., Останақулова Г.Н. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. - Т.: Молия-иқтисод, 2008.
13. Федцов, В. Г., Федцов, В. В. Предпринимательство: сфера сервиса: учеб, пособие. — М.: Дашков и К, 2002.
14. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Т.: ТДИУ, 2010.
15. Ходжаев Р.С., А.Эгамбердиев. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. ТМИ. Ўқув қўланма. Т.: “ИQTISOD - MOLIYA”, 2008.
16. Жаҳон банки маълумотлари. Расмий сайти: <http://data.worldbank.org/indicator>.